

Лидия Хартман куни билан кутган телефон кўнгиروي у иш вақтини тугатиб энди уйига кайтаётган махалда бўлди. У остонада тураркан, бошлиги гўшакни олганини кўрди:

-Сугурта идораси, Тримейн эшитади.

Сўнгра бошлик Лидияга караб бош силкиди. У югуриб келиб гўшакни кўлига олди ва шоша-пиша гапирди:

-Хартман хонимман.

-Мен Жулиусман,-еркак кишининг овози эшитилди.-Буффалодан кўнгирок кияпман.

-Буффало!-хитоб килди аёл.

-У каерга борса оркасидан кузатиб юришим кераклигини айтувдинг-ку,-деди Жулиус Вейганд норози охангда.-У Буффалога борадиган автобусга ўтириши билан мен хам машинада йўлга тушдим.

Лидия илгичдан шляпасини олаётган бошлигига кўз кирини ташлади ва Жулиусдан паст овозда сўради:

-У кузатаётганингни биладими?

-Йўк, у мени кўрмади. Мен уни хусусий детективга ўхшаб шахарма-шахар кузатиб юрибман.

Жаноб Тримейн кийиниб, хайрлашди. Лидия гўшакни кўли билан тўсганча унга хайрли кеч тилади. Бошлик чикиб кетгач, Лидия сўради:

-У тузукми?

-Албатта,-жавоб килди Вейганд истехзо билан.-У «Редмилл» мехмонхонасига жойлашди ва тушдан кейин икки шиша вискини тугатди. Сенга айтгандим-ку, «унинг бўкиб ичишдан бошка максади йўк» деб.

-Ё Худойим! Агар у ичиб олса миясига нима келса шуни килади. Мен ўша ерга бораман.

-Шундай дейишингни билганим учун катнов жадвалини кўздан кечириб кўйгандим. Поезд соат олтида Рочестердан жўнайди ва етти яримда шу ерда бўлади. Автобус эса саккиздан кейин йўлга чиқади.

-Яхши, поездда бораман.

-Келиб нима килмокчисан?

-Унга ёрдам бераман, бирорта дахшатли нарсага кўл уришига имкон бермайман.

-Масалан, ўзини ўлдиришига, шунаками? Маст одам ўзини ўлдирмайди.

-У маст эмас,-деди Лидия кескин.-Жим кўлидаги хамма нарсани йўкотганидан кейин шунака бўлиб колгани учун уни айблашга хақкинг йўк.

-Унинг йўкотишлари-менинг хам йўкотишларим. Эсингдан чикмасин, мен унинг хамкори эдим,-деди Вейганд.

-Биламан,-деди аёл.-Сен уни судга беришинг мумкин эди.

-Сени деб шундай килмадим, Лидия. Факат сени деб. Сенга кандай муносабатда эканлигимни биласан-ку.

-Жимнинг хотини эканман, бу хақда эшитишни хохламайман!-бакирди Лидия.-У менга хар қачонгидан хам мухтож бўлиб турган бир пайтда уни ёлгиз ташлаб кўёлмайман.

-Жавобинг худди Жимнинг ишлари юришиб кетганидан кейин сен уни ташлаб кетадигандек янгради. Бу менга умид багишлайди,-деди Вейганд.

-Етти яримда мени кутиб ол,-аёл сухбатга нукта кўйди.

Лидия Хартман Буффалода поезддан тушганида, Жулиус Вейганд уни кутиб турганиди.

Лидиянинг хаёлига бундан бир ой олдин уни кўрганда юраги кинидан чикиб кетгудай

уриши келди. Аммо у пайтда Жулиус иши юришаётган бизнесмен эди, хозир эса банкрот бўлган. У бир омадли бизнесменни бошқасига алмаштириши мумкин эди, лекин банкротни банкротга алмаштириш... Ўттиз иккига кирган аёл етарлича тажрибага эга бўлиши шарт.

Жулиус жилмайганча унга очикчасига сукланиб караб турарди. Лидия унинг ёнига келди ва юзини чимчилади:

-Менга унака карама.

-Бунча гўзал бўлмасанг,-деди Жулиус ва унинг кўлидаги юкларни олиб йўл бошлади. У юкларни машина юкхонасига солиб, аёлга эшикни очди, сўнг машинани айланиб ўтиб, ўзи хам ўтирди. У машинани ўт олдиришдан олдин сўради:

-Хўш, энди нима килмокчисан?

-У билан гаплашмокчиман. Агар уйга кетмайдиган бўлса, шу ерда коламан.

-Унинг аклини йўкотгунча ичишини томоша киласанми? У бир хафтаям юриши мумкин.

-Унда мен хам бир хафта юраман.

-Ишингдан ажраласан.

-Эрталаб жаноб Тримейнга кўнгирок килиб хаммасини тушунтираман.

-У ерда ишлаётганингга энди уч хафта бўлди-ку, Лидия. Хар кандай бошлик хам сенга бир хафтага рухсат бермайди.

-Менинг эски ходим эканлигимни унутиб кўйибсан. Жим энди ишини бошлаган пайтларда мен у ерда беш йил ишлаганман.

-Аммо кейин беш йил ишламадинг.

-Мени мудир лавозимига ишга қабул килишди, демак мени унутишмабди.

-Ха, бу Жимга рухан таъсир килди: у бизнесдан учиб кетган пайтда сен ишга кайтдинг.

-Учиб кетган пайтда?

-Яна нима дейиш мумкин? Буни бошқача атай олмайман... Нимага ундан воз кечиб кўя колмайсан? Бир ой олдин бу ҳақда гаплашгандик.

-Бир ой олдин у бунчалик пастга куламаганди. Ундан хозир воз кечолмайман.

-Вафодорлигингдан ўргилдим!-кичқирди Жулиус.-У билан бир умр бирга бўлсанг хам уни оёкка тургиза олмайсан. У тамом бўлган одам.

-Сени деб ундан воз кечишимни истайсанми?-сўради аёл захархандалик билан.-Сен хам худди унга ўхшаган банкротсан-ку.

-Ха, лекин вақти келиб ўзимни тиклайман, Жим эса ҳеч қачон. Унга ёрдам берган тақдирингда хам иши юришмайди. Лидия, у лапашанг.

-Бўлиши мумкин, лекин у менинг эрим. Ва айна пайтда сен менга мос эркак эмассан.

Хаттоки агар Жим билан ажрашадиган бўлсам хам сен унинг ўрнига номзод бўлолмайсан.

Жулиус унга ажабланиб каради:

-Жиддий гапиряпсанми?

-Албатта. Эхтимол ўн йил олдин сенга тегишим мумкин эди. Аммо мен Жимникиман.

Сенга эса хозир ўзингни тиклашинг учун ёрдамчи керак. Лекин мен ёрдамчи бўлолмайман. Мен ўттиз иккига кирдим, сен эса киркка яқинлашяпсан. Энди молиявий курашларга токатим йўқ, чарчадим. Менинг бўлажак эрим оёгида мустахам тура оладиган бадавлат инсон бўлиши керак. Ўшандагина у билан хаётимни боғлашим мумкин.

-Нотўгри фикрляпсан. Жим билан бўлганинг учун кўп тер тўкишга мажбур бўлгансан. Агар мен билан бўлганингда чарчамаган бўлардинг.

-Лекин мен Жимга текканман. Бўл, у турган жойга борайлик.

Жулиус индамай машинани юргизди. «Редмилл» мехмонхонаси Перл-стрит кўчасида жойлашганди. Улар мехмонхонага етиб келишди ва ичкарига киришди. Бино ичи ҳам ташкариси каби кўримсиз эди. Мебел ва гиламлар эскириб кетган, аммо тоза эди. Икки қария залда газета ўкиб ўтиришар, рўйхатхонада тепакал бир киши навбатчиликда эди. Вейганд унинг ёнига келиб сўради:

-У хали ҳам хонасидами?

Навбатчи бош силкиди. Вейганд Лидияни лифтга бошлади.

-Жимни кузатиб туриши учун унга ўн доллар бердим, акс холда Жимнинг канча виски ичганини қаердан билардим,-деди Жулиус.

-Барча харажатларингни тўлайман,-деди аёл куруккина килиб.

-Жиннилик қилма, бир неча доллар мен учун ҳеч нарса эмас. Менда етарлича пул бор, сен эса анча пулингдан айрилдинг.

Улар еттинчи каватга кўтарилишди. Йўлак бўйлаб юришгач, 714-хона эшиги олдига келишди.

-У шу ерда,-пичирлади Жулиус.

Эшик тепасида бўялган ойнаванд дарча бўлиб, унинг қия очиклигидан хонада чирок ёник эканлигини билиш мумкин эди. Лидия эшикни тақиллатди. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. У каттиқрок тақиллатди. Бир оз кутишгач, Вейганд эшикни муштрай бошлади.

Қарама-қарши томондаги эшик очилиб, бир қария мўралади. Уларга бир қараб қўйгач, эшикни ёпди.

-Ухлаяпти, шекилли,-деди Лидия.

-Аниқроғи, маст бўлиб қотиб қолган,-жавоб қилди Жулиус.-Пастга тушиб захира қалитни олиб келаман.

Вейганд кетди, Лидия эса қута бошлади. Бир неча дақиқадан кейин Жулиус навбатчи билан қайтиб келди.

-Лидия, бу киши жаноб Симмс. Унга сен Жимнинг хотини эканлигини айтдим.

-Яхшимисиз,-деди Симмс Лидияга шубхали назар ташлагач.-Бу ерда тўполон кўтармайсиз деб умид қиламан.

-Мен эримдан ташвишдаман,-деди Лидия.-Ерим билан жанжаллашганимиз йўқ, тўполон қилиш ниятида ҳам эмасман. У мени кўрса хурсанд бўлади.

-Яхши,-деди Симмс.

У қалитни тирқишга солиб буради ва эшикни итарди. Аммо эшик очилмади.

-Эшикни зулфинлаб олибди,-деди Симмс ва эшикни гурсиллатиб ура бошлади.

Йўлакда бир нечта эшиқлар очилди, ҳамма нима бўлаётганига қизиқиб мўралай бошлади.

Симмс бир кишини уйғота олишмаётганини айтиб, уларни безовта қилгани учун узр сўради. Эшиқлар ёпилди, улар эса 714-хона эшиги олдида турганча хонадан бирор овоз келармикин деган умидда диккат билан қулок солишди. Аммо хона жимжит эди.

Лидия ташвишли овозда гапирди:

-Жим ухлаётганда хуррак отарди.

Симмс яна эшикни очишга уринди, аммо бундан натижа чиқмади.

У бошини чайқади ва деди:

-Дарчадан мўралаймиз. Хозир нарвон олиб келаман.

У ўн дақиқалардан кейин нарвон билан қайтиб келди. Нарвонни эшикка тирагач, деди:

-Мен ҳар эҳтимолга қарши пичок олиб келдим. Дарчадан одам сивиши қийин, лекин дарчани ушлаб турган пластинани чиқариб оламиз ва дарча очилади.

У охирги погонага кўтарилди ва пичок билан пластинани бўшатди.

-Мен бу ердан сигмайман. Балки сиз уришиб кўрарсиз, хоним?-деди у.

-Бўпти,-деди Лидия.

У поябзалини ечди ва нарвонга чикди. Дарчадан аста кириб, ичкарига тушди.

-Нима гап?

-Хозир эшикни очаман.

Йўлакда ичи кизиби турган Вейганд ҳам шу йўл билан ичкарига тушмокчи бўлди. Унинг юзи дарчада кўринган пайтда Лидия эшик томон келаётганди.

-Нима гап?-сўради Вейганд унинг юзи оқариб кетганини кўриб.

Жулиус каравотда ётган кишини кўролмади, чунки уни Лидиянинг гавдаси тўсиб турарди. Лидия унга жавоб бериш ўрнига эшик зулфинини туширди. Вейганд нарвондан тушди ва Симмзнинг кетидан хонага кирди. Лидия ташкарига чиқиб поябзалини кийди ва деворга суянганча кўзларини юмди. Хонадаги эркаклар каравотда ётган кишининг жасадига хайрат билан тикилиб туришарди. У ўттиз беш ёшлардаги эркак эди. У битта шимда ётарди. Каравотда бўш шиша ётар, яна бир шиша эса полда турарди. Унинг кўллари корнида, кўксининг чап томонидаги конли жарохатдан сал пастрокда эди. Симмз унинг юзига кўлини теккизиб кўрди ва шу захоти тортиб олди.

-Совук, демак ўлган,-деди у.

-Мен эса маст одамлар ўзини ўлдирмайдилар деб ўйловдим,-деди Жулиус.

Симмз дархол унга каради:

-Ўзини ўлдирибдими? Унда пичок кани?

Вейганд хона ичига аланглади. Сўнг эмаклаб каравот тагига кирди. Кейин эса навбатчига шубхали тикилди.

-Эшик аник ичидан беркмиди?-сўради у.

-Ха,-жавоб берди Симмз дарчага тикиларкан.

Вейганд ваннахона эшигига каради. Навбатчи «култ» этиб ютинди.

-Котил хали ҳам шу ерда деб ўйлайсизми?-шивирлади у.

Вейганд индамай шишалардан бирини кўлига олди ва ваннахона эшигини шахд билан очди. Шишани баланд кўтарганча ичкарига кирди. Сўнг эса у ердан ажабланиб кайтиб чикди. Симмз хожатхона эшигига караб турарди. Вейганд шишани боши узра кўтарганча хожатхона эшигини очди. У ер ҳам бўм-бўш эди. Жулиус шишани столга кўйди ва дераза олдига келди. Пастга карагач, деди:

-Дераза остида кенглиги бир футча келадиган токчага ўхшаш бўртик бор экан. Кўшни хонада ким туради?

-Менимча, текширувни бас килиб политсияга мурожаат қилганимиз маъкул,-деди Симмз.

-Гапингиз тўгри,-деди Вейганд.

Лидия бир чайкалди ва ўтириб колди. Жулиус уни елкасидан тутди ва багрига босди.

-Бўлди, тузукман,-деди аёл шикаста овозда.

Жулиус Лидияни елкасидан тутганча залга етаклаб келди. Аёл зўрга кадам ташларди.

Симмз хонасига кириб телефон гўшагини кўтарди. Жулиус Лидияни диванга ўткизмокчи бўлди, лекин у ўтиришни истамади. Жулиус унга синовчан тикилди:

-Нега ўтирмаяпсан?

-Мен ўзимга келдим,-деди у.-Бугун Рочестерга кайтолмасак керак?

-Мен ҳам шуни ўйлаяпман. Политсия биз билан гаплашади.

-Мехмонхонадан жой олганмисан?

Вейганд инкор маъносида бош чайкади:

-Йўк. Мен бугун Жимни олиб уйга кайтамиз деб ўйлагандим.

-Шу ерда коламизми?

-Ха. Мен бориб билай-чи, бўш хоналар бормикин.

У навбатчи гўшакни кўйган пайтда хонага етиб келди.

-Политсия хозир келади. Шу атрафда бўлиб туринглар.

-Биз ҳам шу фикрдамиз. Бўш хоналарингиз борми?

Симмз коғоз титкилаётган пайтда Лидия меҳмонхонадан чиқиб кетди. Вейганд рўйхатдан ўтиш ишларини тугатиб ортига ўгирилди ва Лидия юклари билан турганини кўрди.

-Ўзим олиб келардим,-деди у юк халталарини оларкан.

-Огирмас. Хона олдингми?

-Ха, бешинчи каватдан иккита хона олдим. Кел, политсияни шу ерда кутиб турамыз, хозир келаркан.

Лидия диванга ўтирди. Вейганд унинг ёнига жойлашди. Беш дакикадан кейин политсиячилар кириб келишди. Улар икки киши эди. Бири ўрта ёшлардаги гавдали киши бўлиб, ўзини сержант Чарлз Картер деб таништирди. Иккинчиси эса Гарри Николсон исмли ёш, озгингина йигит эди. Картер Симмздан доктор чакирган-чакирмаганлигини сўради.

-Ха, сер. Бир неча дакикадан кейин етиб келади.

-Юринг, жасадни кўрамыз,-деди Картер.-Гарри, сен булар билан коласан ва доктор келганида юкорига олиб чиқасан.

Сержант ва Симмз кетишди. Афтидан, Гарри Николсоннинг котиллик бўйича ҳеч қандай савол бергиси йўқ эди. У об-хаво ҳақида нимадир деб мингирлагач, жим бўлди. Беш дакикадан кейин кўлида тиббиёт чамадонини кўтарган кекса киши пайдо бўлди.

Николсон уни эшик олдида кутиб олди ва лифт томонга бошлади. Лидия соатига қараб ажабланди. Саккиздан қирк беш дакика ўтганди. У поезддан тушганидан бери энди бир соату ўн беш дакика ўтибди. Николсон қайтиб келиб ҳам гапирмади. Чамаси, саволларни сержант берарди. Йигирма дакикадан кейин Симмз, доктор ва сержант тушиб келишди. Доктор кетди, Симмз билан сержант эса ўтирганларнинг олдига келишди.

-Бу котиллик,-деди сержант.-Кимдир унинг юрагига пичок санчган. У қон чиққунча жон таслим қилган. Аммо галати воқеа.

-Нимани назарда тутяпсиз?-сўради Николсон.

-Симмзнинг айтишича, эшик ичидан зулфинланган, дарча эса қия очик бўлган.

Симмз Лидияга ишора қилди:

-Бу аёл дарчадан кириб эшикни очди.

Николсон Лидияга қаради.

-Дарчадан факат мен сигардим,-деди у.

Николсон шеригига юзланди:

-Котил ёнгин нарвонидан фойдаланган бўлса керак.

-Ёнгин нарвони ўрнатилмаган,-деди Картер.

-Хм-м. Унда у жасадни топишган пайтда хонада бўлган. Ваннахонага яшириниб олган бўлса керак. Улар бизни чакиргани тушишганда қочиб қолган.

Картер бош чайқади:

-Йўк, Симмзнинг айтишича, улар хонани текшириб чиқишган.

У Вейгандга қаради:

-Тўғрими, жаноб?

Вейганд бош силкиди:

-Каравотнинг остигача карадим.

Николсон сўради:

-Шеф, хонада қандайдир сир бор деб ўйлайсизми?

-Йўқ,-жавоб кайтарди Картер.-Бу факатгина дераза остидаги бўртик ягона йўл эканлигидан далолат беради. Баландликдан кўркмайдиган одам шу йўл билан хонадан хонага ўтиши мумкин.

-Кўшни хоналарда ким туради?-сўради Николсон Симмздан.

-Иккала хона ҳам бўш.

-Бу хоналарни кўрдим,-гапида давом этди Картер,-деразалар берк, лекин зулфинланмаган. Котил деразадан бемалол кирган. Эшик эса ичкаридан очилади, ташкарига чиқиб ёпилганда яна кулфланиб қолади.

-Доктор нима деди?-сўради Николсон.

-Ўлим бугун соат уч билан бешнинг орасида юз берган. Аниқроғи, уч ярим билан беш яримнинг орасида. Менимча, беш яримларда.

-Нимага ундай деб ўйлайсиз?

-Симмз унга соат икки яримда иккинчи вискини келтириб берган. Биринчи шишани у икки ярим соатда бўшатган. Иккинчисини ҳам шунча вақтда бўшатган бўлса керак. Бу соат бешларга тўғри келади. Булар ичкарига киришганда иккала шиша ҳам бўш бўлган.

-Мантукан тўғри,-бош ирғади Николсон.-Нима киламиз?

-Сен экспертларни чақир, бармоқ изларини олишсин. Мен булар билан бошкармага кетаман.

Жулиус Вейганд ўрнидан турди:

-Унда машинами бир четга олиб кўяй.

-Ташвишланманг, жаноб Вейганд,-деди Симмз,-калитни берсангиз, ўзим уни четга олиб кўяман. Хартман хонимнинг юқларини ҳам хонасига олиб кириб кўяман. Айтганча, 521-хона сизники.

-Рахмат,-деди Лидия.

Вейганд калитни берди ва сержант уларни полтисия бошкармасига олиб кетди. Улар лифтда юқори каватга кўтарилишди ва сержант Картер уларни «Котилликлар» деган ёзув осилган эшик олдига олиб келди. Ичкарида бир нечта стол ва стуллар жойлашган хона бўлиб, бир киши телефонда ким биландир гаплашаётганди. Хонада бошка ҳеч ким йўқ эди. Картер жойига ўтирди ва Лидия билан Жулиусга ҳам ўтиришга ишора қилди.

-Чекасизми?-деди у сигарет кутисини узатаркан. Улар рад этишгач, Картер бир дона сигарет олди ва Лидияга қараб деди:

-Тушунишимча, мархум сизнинг эрингиз эди, шундайми?

Лидия тасдик маъносида бош силкиди.

-Рочестердан келдингизми?

-Ҳа, Жулиус ҳам.

-Хм-м, эрингиз бу ерда нима қилаётганди?

-Ичиб ётганди,-Лидиянинг овози зўрға эшитилди.-Кейинги пайтда факат ичаётганди.

Жим бу ерга келишдан олдин Рочестердаги мехмонхонада ҳам шунақа қилганди.

-«Кейинги пайтда» деганингиз нимани англатади?

-Кейинги бир неча ҳафтадан бери. У бизнесдаги ишлари орқага кетганидан тушкунликка тушиб қолганди.

-У нима билан шугулланарди?

-Жим билан Жулиус кўчмас мулк савдоси билан шугулланувчи «Вейганд ва Хартман» компаниясига эгалик қилишарди. Уч хафта олдин улар банкрот бўлишди. Бу Жимни деб бўлди.

-Нима учун?-сўради Картер.

-У... пулларни ноқонуний ўзлаштириб олган. Жулиус буни жуда кеч пайкаган. У ўшанда ҳам яхшилик қилди. Жимни бу иши учун судга бериши ҳам мумкин эди.

-Бу билан ишим ўнглиниб қолмасди, Жимнинг қамалгани қоларди, холос,-гап қўшди Жулиус.

Картер Вейгандга ўғирилди.

-Шеригингизга шунчалик ачиндингизми?

-Йўқ-е. Агар Лидия бўлмаганида уни қаматиб юборардим,-деди Вейганд.-Лидиянинг дилини оғритишни истамадим.

-Шунақами! Хўш, нима учун?

-Биринчидан, унинг айби йўқ, иккинчидан, уни севиб қолганман.

Картер унга узок тикилиб турди, кейин Лидияга ўғирилди:

-Ерингиз бу ерда эканлигини қаердан билдингиз?

-Жулиус соат бешларда менга қўнғирок қилди. Мен ундан эримни қузатиб юришини илтимос қилгандим. Чунки Жимдан ҳавотирда эдим. Жулиус Жимнинг «Редмилл» меҳмонхонасида эканлигини ва вискига буюртма берганини айтгач, соат олтидаги поездга ўтирдим ва етти яримда етиб келдим. Жулиус мени қутиб олди.

-Хм-м. Агар сиз соат бешда Рочестерда бўлган бўлсангиз, сиздан гумон олиб ташланади,-мингирлади Картер ва яна Вейгандга қаради.

-Унинг айтганларини тасдиқлайсизми?

-Албатта. Нахотки ундан шубҳаланиш мумкин бўлса?

-Қоидага қўра, эр ўлдирилганида биринчи ўринда хотини гумон остига олинади. Энди сизга қелсак. Марҳумни Рочестердан бу ерга сиз олиб келдингизми?

-Йўқ. Мен унинг Буффалога борадиган автобусга чипта олганини қўргач, тўғри бу ерга келдим. У меҳмонхонага жойлашгач, навбатчидан уни қузатиб туришини сўрадим.

Навбатчи менга Жим виски буюртирганини айтганидан кейин Лидияга қўнғирок қилдим.

-Тушунарли. Демак, сиз ўзингизни банкрот қилган инсоннинг аччиқ қисматини енгиллаштиришни ўз зиммангизга олгансиз.

Вейганд кизариб кетди.

-Уни деб қилмадим. ҳаммасини Лидия учун қилдим.

-Албатта, чин севги намунаси,-киноя қилди Картер.

Вейганд баттар кизарди.

-Нимага шаъма қияпсиз, сержант?

-Хозир тушунтириб бераман,-деди Картер.-Хартманнинг чўнтагида бор-йўғи олти миш уч доллар пул бўлган. Демак, талончилик юз берган дейиш қийин. У бу ерлик эмасди, шунинг учун унинг бу ерда душмани бўлган деёлмаймиз. Сиз унга қасдлашиб қолгансиз, бунинг устига унинг хотинини севасиз. Уйланганмисиз, жаноб Вейганд?

-Йўқ, лекин мени айбламоқчи бўлсангиз...

-Мен хозирча ҳеч қимни айблаганим йўқ,-унинг гапини бўлди сержант.-Мен фақат сизда қотиллик қилиш учун бир-иккита сабаб бўлганини ва шунинг учун Рочестердан бу ерга қелганингизни таъкидламоқчиман, холос.

-Лекин у менинг илтимосим билан бу ерга қелганди,-эътироз билдирди Лидия.-Мен Жим ўзини ўлдиришидан қўрққандим.

-Ехтимол, лекин манави киши эрингиз айнан шундай килмаслигидан кўпрок кўрккан бўлса керак,-деди Картер захархандалик билан.-Хар калай, «енг маъкул» гумондорни топмагунимизча, Вейганд, сиз хибсга олинасиз.

Жулиус Вейганд ўрнидан сакраб турди, энди огзини жуфтлаган пайтда эшик очилиб, кўлида когоз халта кўтарган Гарри Николсон кириб келди. Сержант Картер ундан сўради:

-Натижа борми?

-Экспертлар хали хам бармок изларини олишяпти.

У халтани стол устига кўйди.

-Мана буни кўринг-чи.

Сержант халта ичига кўлини сукди ва ингичка буклама пичокни чикарди. Пичок тигида корамтир дог бор эди. Картер пичокни стол устига кўйди ва сўради:

-Бу пичокни бирортангиз биласизми?

Лидия пичокка энгашди. Унинг суякдан ишланган кора сопида зархал билан ёзилган «Ж.Х.» харфлари кўриниб турарди.

-Бу эримнинг пичоги. У пичокни доим ўзи билан олиб юрарди,-пичирлади у.

Картер Николсонга каради.

-Демак, у ўз пичоги билан ўлдирилган. Ха-а. Чамаси, котил кирган пайтда у маст бўлиб ухлаб ётган бўлган.

-Фикримни айтайми?-деди Николсон.-Тўгри, биз Хартманнинг ва пичокдаги кон гурухларининг натижасини кутишимиз керак, лекин гаров ўйнайманки, улар бир хил чиқади!

-Гаровнинг кераги йўқ,-деди Картер.-Буни каердан топдинг?

-Вейганднинг машинасини текширувдим,-деди Николсон.-Пичок машина ичидаги кутичада турган экан.

Лидия мехмонхонага кайтганида ярим тун бўлганди. У Жулиусга нисбатан чикарилган айбловга узок эътироз билдирди. Кейин эса адвокатга кўнгирок килиб унинг келишини кутди. Аммо хеч нарса ёрдам бермади: касддан котиллик килишда гумон остига олинган шахсни гаров эвазига кўйиб юбориш такикланганлиги боис Жулиус Вейганд хибсхонада колди. Лидиянинг барча харакатлари Жулиусга ёрдам бермаган бўлса-да, унинг ўзига ёрдам берганди. Агар политсия уни хам котилликда гумон килганида ёмон бўларди. Бахтига, политсиядагилар унинг эри учун кайгурганини маъкуллашди. Албатта, хеч ким, Жулиуснинг ўзи хам Лидия нима учун Жимнинг ўз жонига касд килишидан бунчалик хавотирланганлигининг асл сабабини билмасди...

Лидия хонага кириб ечинди. Пайпогини ечаётиб сондаги кичкинагина конли догни кўриб кошени чимирди. Пичокни пайпоги ичига солганида теккан суюк кон дог бўлиб котиб колганди.

Иккинчи пайпогини ечишдан олдин у ваннахонага кириб кон догини ювиб ташлади. Бу пайпогини ечаркан, пайпоги орасидан букланган когоз парчасини олиб ўкишга тутинди. Жимнинг хонасида уни ўкишга вакти бўлмаганди. Ўшанда бу когозни пайпоги орасига яширишга зўрга улгурганди.

Хат кингир-кийшик килиб ёзилганди. Лекин ўкиса бўларди:

«Кечир, мен хаётдан кетишнинг шу йўлини танладим...».

Колган сўзларни ўкий олмади, лекин буни ўз жонига касд килган одамнинг мактуби дейишга шунинг ўзи етарли эди. Лидия когозни майда-майда килиб йиртиб ташлади.

Яхшиям у Жим хаётини сугурта килдирган сугурта идорасида ишларди. Акс холда эри ўз



жонига касд килгани учун эллик минг доллар сугурта пулини ололмаслигини билмаган бўларди. Яхшиям у ўн йиллик никохидан сўнг нимагадир эришадиган бўлди. Агарда пичокни Жимнинг кўксидан сугуриб олмаганида ва унинг кўлидаги хатни яширмаганида бунга эришолмаган бўларди.

Рус тилидан Дилшодбек Аскарлов таржимаси.